

Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси кўмандони ўринбосари-
кўриқлаш бош бошкармаси бошлигининг
2019 йил “07” августдаги 42-сон
байргига ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриқлаш хизмати
томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кўриқлаш
хизматини кўрсатиш бўйича

ШАРТНОМА

Жиззах шаҳри

№ 1-22/174-сон

2022 йил «20» январь

Жиззах вилояти Кўриқлаш бошкармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошлиги полковник О.А.Амиров (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) бир томондан, Дўстлик тумани F.Ғулом МФЙ Ибн-сино кучаси 1-йда жойлашган Дўстлик туман тиббиёт бирлашмаси бошлиги Х.Абдураимов (кейинги ўринларда Буюртмачи” деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар:

1 боб. Шартнома предмети

1. Ижрочи Миллий гвардия кўриқлаш хизмати, ҳарбийлаштирилган ва соқчилик кўриқлаши кўринишида техник кўриқлаш пунктидан (кейинга ўринларда ТКП деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкини кўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вактида кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2 боб. Умумий шартлар.

2. Буюртмачи Дўстлик тумани F.Ғулом МФЙ Ибн-Сино кучаси 1-йда жойлашган тиббиёт бирлашмасига “наркатик саклаш хонаси” (кейинги ўринларда обьект деб юритилади)ни хар куни 6 соат, 24-00 дан 06-00 гача ички дорихонасини хавфли тугма орқали хар куни 6 соат 09-00 дан 15-00 гача, коровулхона хавфли тугма орқали ҳар куни 4 соат 10-00дан 14-00 гача ТКП, ҚЕОС ва Uzmobile SIM 1, Ucell SIM 1 алоқа воситалари орқали кўриқлаш учун Ижрочига топширади, Ижрочи қабул қиласди.

3. Объектнинг кўриқлаш чегаралари (иморатлари, курилмалари), постларнинг (йўналишлари) жойлашуви чизмә-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова килинади ҳамда унинг ажралмас кисми хисобланади.

4. Объектдаги кириш-чикиш, ички обьект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чикиш ва ички обьект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова килиниб унинг ажралмас кисми хисобланади.

5. Объектни техник кўриқлаш воситалар билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник кўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиқкан холлар бундан мустасно. Объектни ёнгиндан кўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова килинади ҳамда унинг ажралмас кисми хисобланади.

6. Объектни кўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, обьектда 90 иш куни ичida Миллий гвардия хизмати кўриқлаши тури йўлга кўйилади. Объектда соқчилик кўриқлаш тури ва ҳарбийлаштирилган кўриқлаш обьектга 30 иш куни ичida йўлга кўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи кўйилмайди, кўйилган ижрочи эса чакириб олинади.

3 боб. Тўловларни амалга ошириши.

3.1 Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда куйдагича хисобланади:

Пост-соат хисобида кўриқлаш хизмати ойига 1 949 692 (бир милон тўқкиз юз кирк тўқкиз минг олти юз тўқсон икки) сўм, бўлади.

3.2 Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш конун хужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдикланган холларда қайта кўриб чиқилади.

3.3 Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, 3 кун ичидаги мазкур Шартнома баҳосининг 15 фоизи микдорида аванс тўловини амалга оширади.

Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома тақдим килингандан сўнг Буюртмачи 5 кун ичидаги аванс тўловини чикарив ташлаган холда ойлик тўловини амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчиси бўлса, ойлик тўловнинг 100 фоизи микдорида аванс тўловини кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин амалга оширади.

3.4 Хўжалик юритувчи субъект хисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг II-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вактида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга хақлидир.

Мазкур шартнома бекор килингандаги холларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта хисоб-китобни амалга ошириши зарур.

4 боб. Томонларнигхукуқ ва мажбуриятлари.

4.1 Буюртмачи қўйидаги хукукларга эга:

Ижроидан белгиланган қўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш;

хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш холатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар қўрилишини Ижроидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим бош, кийим бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир холати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхадан далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аникланган тақдирда, ижроидан уларни бартараф этишини талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганилиги натижасида етказилган заарни ундириш.

4.2 Буюртмачининг мажбуриятлари:

мазкур Шартноманинг ажралмас кисми хисобланган 2022 йил « 1 »январдаги кўздан кечириш далолатномасига асосан қўриқлашга топшириладиган объектни, алоҳида хоналарни техник мустахкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз хисобидан техник қўриқлаш воситалари (*объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнгидан қўриқлаш сигнализацияси, объект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, қулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини саклаш хоналари, ёнгин ўчирувчи воситалар ва бошқалар*) билан жихозлаш ва зарур холларда уларни таъмирлаш;

ҳар кандай моддий кимматликларни объект худудининг девор тўсигидан 10 метр узоклика (*объект жойлашувини ҳисобга олган холда*) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустахкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалар билан таъминланганини, шу жўмладан ёнгидан қўриқлаш сигнализацияси холатини текшириш қўригини ўтказиши, аникланган камчиликларни бартараф этиши муддатлари, Ижрочини бу хақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган холда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

Белгиланган қўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник қўриқлаш воситаларининг тегишли холатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жихозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий кимматликларни саклаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир қисмини бошка шахсларга ижарага Кўриб чиқарасиёндай ишларни ўзгариштириш, жойлашувини ўзгариштириш, таъминланганини ўзгартириш

ёки қўшимча кўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши хакида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида 20 кун олдин огохлантириш;

объектда иш куни якунида кўриқлаш сигнализациясини ёки, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳакда Ижрочини огохлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга кадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда кўриқлашга топшириш. Объектни кўриқлашга топширганлик хакида ТҚПни хабардор килиб, 5 дақиқадан сўнг объектнинг кўриқлашга қабул килинганини хакида ишонч хосил килиш;

объектни, ёнгиндан кўриқлаш сигнализацияси билан жихозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик кўриқлашга топшириш, эшиклар кулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентилияция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном кўриқлаш сигнализациясини ва худуднинг ёритилиши холатини текшириш, кўриқланадиган биноларда электр жихозларининг, бошка ёнгин манбаларининг ёкилган холда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектида колишига йўл қўймаслик;

кўриқланадиган худудда бинодан ташқарида жойлашган моддий кимматликларнинг микдори, ассортименти, ўралган ёки қадокланган ҳолатда кайта ҳисоб-китоб асосида қабул килиш топшириш журналида рўйхатдан ўтказган холда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган холда кўриқлашга топшириш;

махсус журналда ўз вакиллари томонидан имзо қўйиш йўли билан объекtlарни, алоҳида хоналарни кўриқлашга топшириш, кўриқлаш тугагандан сўнг кўриқлашдан чиқариш;

кўриқланадиган хоналарнинг бутлиги бузилганлиги хакида ёки объектига бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар стказилганлиги алломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор килиш ва объектига Ижрочи вакили етиб келгунга кадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга кўриқлаш ва сигнализация тамоийлари ва тизими, шунингдек берилган пульт ракамларини ошкор килмаслик;

Ижрочи вакилларини объекtdagi ички тартиб ва техника хавфсизлиги коидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришга оид қисми билан таништириш.

4.3 Ижрочининг ҳуқуқлари:

Буюртмачидан объекtda ўринатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя килинишини талаб қилиш:

Мазкур шарномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошка ҳужжатларни сўраш ва олиш;

Кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган кўриқлаш техника воситаларини жорий килиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

4.4 Ижрочининг мажбуриятлари:

Объекtda постлар дислокациясига (патрул маршрутига) мувофик кўриқлаш нарядини жорий килиш:

Мазкур шартномада ва унинг иловаларига мувофик объекtni ҳамда кўриқлашга топширилган моддий

кимматликларни кўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

кўриқланадиган худудаги лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий кимматликларнинг микдори, ассортименти, ўралган ёки қадокланган холатини текшириб, кайта ҳисоб китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган холда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган холда қабул қилиб олиш;

объекtda кириш-чиқиш ва объекt ички тартиbiga риоя этиш, объекt худудига белгиланган тартибда моддий кимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объекtlарда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан объекtda киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объекtni кўриқлаш вақтида жойдаги ёнгин хавфсизлиги коидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объекtda ёнгин чиқиши ёки ёнгиндан кўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнгин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объекtda бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чакириш ва объекtning дахлсизлигини таъминлаш;

ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган холатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниклаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чакиртириш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим бош, кийим бош анжомлари (экипировкаси), курол аслаларапининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни кўриқлашга қабул килганда ва топширганда объектдаги техник мустахкамлик бўйича ва кўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аникланган барча камчиликлар хакида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустахкамланганини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан кўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аникланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳакда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган холда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхадан далолатнома тузиш.

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбариятига тегишли чоралар кўрилиши учун бериш;

кўриқланётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида Миллий гвардия кўриқлаш хизмати навбатчилик қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, Миллий гвардия кўриқлаш хизмати вакили етиб келгунга кадар ходиса юз берган жойнинг даҳсизлигини таъминлаш.

5 боб. Томонлар жавобгарлиги.

5.1 Объектга ўрнатиладиган сигнализация техник воситаларини “Буюртмачи” томонидан йўқотилган, бузилган ва яроқсиз холатга келтирилган вақтда ушбу жихозларнинг умумий харажатлар кийматини тўлайди.

5.2 Ўрнатилган жихозларни электр энергияси манбасидан узмаслик.

18. Ижрочининг ходими постда ва патруль йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пения тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

5.3 Пеня тўлаш буюртмачи ва ижрочини ўз мажбуриятларини бузиши оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.4 Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганилиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганилиги аникланган ҳолларда зарар тўлик микдорда қопланади.

5.5 Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг микдорини аниклаш учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда зарар микдори тегишли хужжатлар билан расмийлаштириб, комиссия аъзолари томонидан тасдикланади. Низо мавжуд бўлган такдирда зарар микдори суднинг қарори билан аникланади.

5.6 Куйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:

Ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлик бажарган бўлишига қарамасдан, зарар учинчи шахсларнинг жиной ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг конуний кучга кирган қарори, билан тасдикланса.

Қабул қилиш-топшириш журналида қайд қилинмаган мулкка зарар етказилганда.

Буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганида.

5.7 Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганилик учун белгиланган неустойка (жарима, пения) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6 боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

6.1 Мазкур Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартирилиши ва бекор қилиш вактида тарафлар ўргасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар конун хужжатларида белгиланган тартибда Иктисолий суд томонидан кўриб чиқилади.

7. боб КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КЕЛИШУВ

7.1 Шартнома бўйича ўз мажбуриятларинини бажаришда "Томонлар" коррупцияга карши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пурратчилари томонидан бирбирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик килишда, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш бўйича чоратадбирлар қабул килинишини кафолатлади.

7.2 "Томонлар" коррупцияга карши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дархол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки телефон орқали бирбирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган холатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш хукукига эга ва мурожаатини олган томон 10 (үн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

7.3 Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавфхатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион холатни пасайишига олиб келмаса, бошка томон шартномани бекор қилиш хукукига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб кўйиши мумкин.

7.4 Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган заарларни коплаш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган заарлар қоплашни талаб қилишига хакли эмас.

8 боб. Форс-мажор.

8.1 Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганилиги учун агар ушбу бажармаслик шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муаян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса жавобгарликдан озод қилинади.

8.2 Енгиб бўлмайдиган куч холатига ҳавола қилувчи томон бошка томонни бундай холатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида иккى кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганилиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга хақли эмас.

Форс-мажор холатларига сув тошкнилари, ер кимираши ва бошка табиий ҳалокатлар, шунингдек, эпидемиялар, ёнгинлар, портлашлар, давлат хокимияти ва бошқарувчи органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган карорлари киради.

8.3 Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч холатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечикирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга хақли.

9 боб. Якуний қоидалар.

9.1. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилиари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

9.2 Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда хақиқийдир.

Томонлар мазкур Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш хақидаги таклифга иккинчи томондан рад жавоби олганидан кейинтина ёки 30 кунлик муддатда жавоб

олмаганидан кейин Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

9.3. Шартноманинг амал қилиш муддати қуидагича белгиланади:

хўжалик юритувчи субъектлар бўйича-Томонлар тарафидан имзолангандан бошлаб номуайян муддатга амал қиласди.

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича белгилангандан бошлаб газначилик бўлимларидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 2022 йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш хақида Ижрочиша шартнома муддати тугасидан 30 кун олдин маълум килмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга шу шартларда узайтирилган хисобланади.

9.4 Агар техник қўриклиш воситалари Буюртмачининг айби билаги ишдан чиккан, капитал ёки жорий таъмирилашни талаб қиласа, бирок Буюртмачи буни рад этса Ижрочи Буюртмачига 7 кун олдин ёзма маълум килган холда алоҳида объектларни қўриклишни рад этиши мумкин. (еслатма: тоифаланган ва банк обьектлари бундан мустасно)

9.5 Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловини белгилангандан муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур Шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган холда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

9.6 Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патруль йўналишларида қўриклиш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур Шартномани Ижрочини ёзма равишда огоҳлантирган холда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

9.7 Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 30 кун олдин ёзма равишда маълум қиласди.

9.8 Объектнинг хусусиятидан келиб чикиб Томонлар мазкур Шартномага қонун хужжатларига мувофиқ ҳукуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

10. Томонларининг юридик манзиллари ва реквизитлари.

Ижрочи:

Жizzax вилоят Қўриклиш бошқармаси

Юридик манзили: Жizzax шахри Сайилжойи
кўчаси
5-ий.

Банк маълумотлари: Марказий банк Жizzax
вилоят бош бошқармаси
Х/Р 21596000600567049001

МФО: 00018
СТИР: 202383751
ОКОНХ: 97920

Бошқарма бошлиғи
полковник:
О.А.Амиропов

Буюртмачи:

Тиббиёт бирлашмаси

Юридик манзили: Дўстлик тумани F.Гулом
МФЙ Иби-Сино кучаси 1-уйда жойлашган
тиббиёт бирлашмасига қарашли қабулхона.


СТИР: 200999279. ОКОНХ: 91511
ш/хв:100022860082157073101054001
Дўстлик тумани бўйича газначилик
бўлинмаси

Марказий банк Тошкент шахри
Х/Р: 23402000300100001010
МФО: 00014


СТИР: 201122919

Дўстлик ТГБ бондиди
Х.Абдураимов

« 20 » январь 2022 йил



« 20 » январь 2022 йил



“Тасдиклайман”

Жиззах вилоят кўриклиш
бошкармаси бошлиси полковник

О.А.Амиров

01 январь 2022 йил

“Тасдиклайман”

Дўстлик туман тиббиёт
бирлашмаси бошлиги

Х.Абдураимов

01 январь 2022 йил

Дўстлик туман тиббиёт бирлашмаси маъмурий биносини техник кўриклиш пункти хизмати
оркали Жиззах вилоят кўриклиш бошкармаси томонидан кўриклиш бўйича
ХИСОБ-СМЕТАСИ

№	Объект номи	Объектни нг жойлашга н манзили	Кўр ик- лаш тури	Ш та т би рл иг и	КЁ СТ вос ита лар нин г сон и	Хиз мат итл ари сон и	Кўриклиш вакти (соат)			Бир йилг а жам и кўр икла ш соат и	Кўриклиш хизматининг нарҳи	
							Иш кун лар и	Ша ниба ва бай ра м кун лар и	Як ша ниба ва бай ра м кун лар и		Бир соат учун	Ўргача бир ойса
1	Наркотик саклаш хонаси	Жиззах вилояти Дўстлик тумани	TKP				6	6	6	2190	5005	913413
2	Ички дорихона (ташвиш тұгма)		TKP				6	6	6	2190	3128	570860
3	Коровулхона хавфли тұгма		TKP				4	4	4	1460	3128	380573
4	КЕОС воситалары учун		TKP		2						29547	59094
5	Uzinobile SIM 1				2						6350	12700
6	Ucell SIM 1				2						6526	13052
	Жами											1949692

Кўриклиш хизмати учун бир ойлик тўлов микдори: 1949692 (Бир миллион тўккиз юз кирк тўккиз минг олти юз
тўксон иккى) сўм

Бош хисобчи

Бош хисобчи



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
JIZZAX VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
DO'STLIK TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI
130500 Do'stlik shahri, Amasoy shoh ko'chasi.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO 'G 'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

№ 527

1. **Loyihaning turi:** Shartnoma

Loyihaning nomi: № 1-22/174-son shartnoma

Loyihaning mazmuni: Do'stlik tumani tibbiyot birlashmasi va Jizzax viloyati qo'sriqlash boshqarmasi o'rtaida 20.01.2022 yildagi 1 949 692 (bir million to'qqiz yuz qirq to'qqiz ming olti yuz to'qson ikki) so'mlik O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi qo'sriqlash xizmati tomonidan jismoniy va yuridik shaxslarga qo'sriqlash xizmatini ko'rsatish bo'yicha shartnoma loyihasi.

2. **Loyihani ishlab chiquvchi tashkilot:** Do'stlik tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022-yilning 20-yanvar kuni ishlab chiqilgan.
3. **Loyiha kelib tushgan sana:** 2022-yilning 20-yanvar kuni markazga elektron tizim orqali yuridik xulosa olish maqsadida taqdim etilgan.
4. **Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq.**

Markaz boshligi,
2-darajali yurist



U.A.Abdiev
20.01.2022 yil